



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 22 август шанба
Сотувда эркин нархда № 168 (1949)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ
КЕКСА
КАЛАНДАРЧИНИНГ ЮРТИ
ФАРЗАНДАРИГА
ДЕЪЛНИ

Болаликдан эрши китобга,
Ей ол, сўраб ўқмоққа тириш,
Чиник, тоблан, фикрини шаху,
Танангни кул қилмоққа эриш.

Усмиликда кузат, ибрат ол,
Оқил, тошқул устоз топ, чида,
Хунар орттир, кашфа ишми,
Орзуингдан йса маъбула.

Ураи хатто душман тилии ҳам,
Фарқлаб улгур не фойда-зийн,
Хар мушқуладо ишон ўзинга,
Хар юмушда Оллоҳга таян.

Йигитликдан сўнги дамча,
Лафзинг узра посбонликда тур,
Тижорат қил, дунёни тани,
Ариқ чиқар, йўл оч, шаҳар кур.

Зехи, идрок, ахлоқни пиши,
Харб машқуладо унут саамни,
Эркамисан, олим бўсанг-да,
Халқлар ўйнаб ўнгиш қаламни.

Тобеликда чирама бевақт,
Чақнаса бас қўларинг дардик,
Аломишдан ўганинга ҳам
Балад турсин шаҳингдан мардик.

Кечир жоҳил бўла юртошинг,
Кўнгли тий қонди хар баҳодир,
Ўз миллатинг болалигини бил
Елликдан иккинчи шахсон.


Қаноатда ўрак бўл ўзинг,
Адолати ўзинга ушла,
Фидолики ўзинга буюр,
Жафоларни ўзиндан бошла.

Кучи эш қил ақлу меҳрингга,
Ожизни суй, зўри сизлаб бук,
Болағга ҳам ўрат боринг...
Шундо ҳеч вақт енгилмас бу Юрт!

Анвар ОБИДЖОН

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ АҚШДА ЧОП ЭТИЛДИ

Америка Қўшма Штатларининг энг нуфузли нашриётларида "Сент Мартин Пресс" (Нью-Йорк) Буюк Британиянинг "Керзон Пресс" фирмаси билан ҳамкорликда Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобини босмадан чиқарди.



дай дейлади: "1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин иқтисод, сийosat, маданият соҳасида, миллатнинг оғи, турмуш тарзида туб ўзгаришлар яшашга қудай шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов мамлакат тараққиётига тўғноқ бўлиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўз қарашларини баён этди. Ислам Каримов Ўзбекистоннинг сийosatи мақсадлари ва вазифаларини белгилаб қолмасдан, ўтишдан мерос ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқ қўради ва уларни ҳал этишнинг чора-тадбирлари ҳақида фикр юритади. Унинг бош мақсади, барқарорлик кафолатларига доир тақлифлар бериши ва айни пайтда мавжуд жиддий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида халққа рўй-роқат айтиши. Ўзбекистонга қўшни давлатлардаги сийosatи беқарорлик, фуқаролар уруши авж олган бир пайтда Ислам Каримов миллий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий хатар — диний, этник низо-ларга, шунингдек, ашадий миллатчиликка қарши курашга астойдил бел болаган. Тарихий вазиятни инобатга олсак, Ислам Каримовнинг китобини фақат ўзбек халқи учун ёзилган, деб бўлмайди. Зеро, унда ҳозирги замонда Марказий Осиёдаги сийosatи вазият чухур ва асосли таҳлил этилган".



МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ



КОРХОНА ҚАЙТАДАН ТИКЛАНМОҚДА

Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасида қайта тиклаш ишлари, яъни замонавий ускуналари ўрнатилиш жараёни суратларда олиб боришмоқда. "Ўзнефтьгаз" миллий корпорацияси ва Япониянинг "Мицуи" фирмаси ўртасида тузилган шартнома асосида амалга ошириладиган бу лойиҳа мамлакатимизда нефть мустақиллигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Буни қалбақ чухур ҳис этиш қурувчилару мутахассислар гайрат-

шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. СУРАТЛАРДА: тозалаш иншооти қурилишида; ер тузувчилар Акрамбай Яшил (Туркия) ва Жўрабек Турдалиевлар (Ўзбекистон); қурилиш бошлиғи Ҳабидулла Алиев, лойиҳа раҳбари Али Шавил (Туркия) ва катта муҳандис Таксаки Фуживара (Япония); муҳандислар Ниско Ривер (Филиппин) ва Жунчи Тамагава (Япония).

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Украина элчихонасининг янги биноси

Тошкентда Украина элчихонасининг янги биноси очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон ҳукумати, мамлакатимиздаги хорижий дипломатия корпуси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Украина бўлаёти-нинг лойиҳа элчихонасида элчи бўлиши, нафақат икки давлат ўртасидаги дипломатия алоқаларининг тобора мустаҳкамлаётганидан, балки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқалари абдийлигиндан далолат бериши, — лекин Украинанинг мамлакатимиздаги Фахуллода ва Мухтор аҳлиси В.Сметанин маросимда. — Ўзгириборини торлатгани яна бир жиҳати шундаки, бу юзюк Украина ва Ўзбекистоннинг улуг байрами — мустақиллик кунлари арафасида бўлиб ўтмоқда. Бизга мана шундай ҷиҳоти ва салобати мени ажратилгани учун Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент Ислам Каримов жаноби олийларига

Олий Мажлис сессияси олдидан ЕР — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Олий Мажлиснинг бўлажак сессиясини барча қатори биз — туپроқшунос олимлар ҳам қатнашиши билан кутаямиз. Бундан унда бошқа масалалар қаторида «Давлат ер кадастри тўғрисида»-ни Қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилади. Шу муносабат билан баъзи мулоҳазаларни ўртоқлашимиз лозим топ-дик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»-ги Фармони қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу муҳим ҳужжат қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз. Чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг негизини ер, унга бўлган муносабат ташкил этади.

Аммо, биз неча ўн йиллар мобайнида: «Ерни кўз қорачиғидай асраш», «Ер битмас-туганмас бойлик» каби шорларга зўр берди-гу, лекин мағзини чакмадик, уларга амал қилмадик. Аксинча, табиати ўзимизга буйсундиришга ҳаракат қилдик. Минглаб гектар ерларни ўзлаштирдик. Аммо улардан фойдаланишда туپроқ, атроф-муҳит шароити ҳисобга олинмади. Унда сув ом-

роқларнинг (майdonи 4,28 млн. га) йрмидан ошқирқоқ шўрланган, эрозияга учраган, ҳайвол ости қатламлари зичлашган ва ҳоказо. Айниқса, Амударё қўйи оқимида аҳоли мураккаб. Агар бундай ҳолатлар қучурлашиб кетса, уларни ўз ўрнига қайтариш ва деҳқончиликда фойдаланиш учун жуда катта куч, маблағ талаб қилинади.

Ана шу нуқтага назардан қараганда, давлатимиз, Президентимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ҳусусан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш юзасидан олиб бораётган сийosatи муҳим аҳамият касб этади ва у қишлоқ хўжалик ҳодимлари, шу соҳа мутахассислари ва олимлари томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

1998 йилда қабул қилинган Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»-ги қонунлар бевосита қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг асосий негизини ташкил қиладиган ер ресурсларидан фойдаланишни тартибга солишга қаратил-

Р. ҚЎЗИЕВ, Туپроқшунослик ва агрохимия институти директорининг ўринбосари, биология фанлари доктори.

ВИЛОЯТЛАР КЕНГАШИ СЕССИЯЛАРИДА ТОШКЕНТ

Урта Чирчиқ тумани Қим Пей Хоа номидаги халқ корпорациясида халқ депутатлари пойтахт кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда жорий йилда дин этиштириш йўналиши муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Э.Рўзиев шу ҳақда маълумот берди.

Сессияда таъкидланганидек, вилоят гафлакорлар йил бошоқиди дон экинлари дин мўл ҳосил этиштиришди. 115 минг гектар майдоннинг хар тектарида ўртача 33,2 центнердан дон этиштириб олинди. Ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан ўртача 12 центнер кўпайди. Шу билан бирга, жойларда шароитига мос навларни танлаш, юқори сифатли уруғлик экиш, суро-

риш ишларини ўз вақтида бажариш, ўрим-йигимга тайёргарлик қилишда бир қанча қамчиликларга йўл қўйилди. Шунингдек, сессияда аҳолига халқ хизмати масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасини Марказий сайлов комиссиясида номзод қўрсатилди.

Неъмат ДУШАЕВ.

ФАРҒОНА

Фарғонада халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда барча соҳаларда тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш, жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида шахар ва туман ҳокимлари, хўжалик муҳофизат қилувчи идоралар ҳодимлари олдидан тузилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Н. Мўминов шу ҳақда маълумот қилди.

Сессияда таъкидланганидек, вилоятда барча жаба-ларда қонун устуворлигини таъминлаш, меҳнаткашлар ҳақ-хуқуқларини муҳофиза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилади. Қонунни бузишнинг ҳар қандай қўрилишларига қарши кескин кураш олиб боришмоқда. Бундан нагжаиис ўлароқ, турли жиноятлар солир этиш ўтган йилда нисбатан анча қамайган. Лекин жино-

ятчиликка тубдан барҳам бериш учун жойларда ҳали жуда кўп иш қилиниши зарур. Фуқаролар ҳуқуқини билим савиясини ошириш бу борадаги муҳим вазифалардан биридир.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикасини Марказий сайлов комиссияси аъзоллигига номзод қўрсатилди.

Расулжон КАМОЛОВ.

САМАРҚАНД

Самарқандда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Ойла йили дастурининг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими А.Мардонев шу ҳусрда маълумот қилди.

Суэга чиққанлар онланнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, оила манфаатларини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайта эътибор. Хотин-қизлар қўмиталари, ҳуқуқни муҳофиза қилиш идоралари ва маҳалла қўмиталари биргаликда иш олиб бораётгани нагжаиисда оилавий муносабатлар ва болалар тарбиясини яхшилашда самарали на-

тижага эришилмоқда. Шу билан бирга, сессияда Ойла йили дастурини бажаришда айрим қамчиликлар мавжудлигига эътибор қаратилди ва уларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасини Марказий сайлов комиссияси аъзоллигига номзод қўрсатилди.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎЗА мухбирлари.

— Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишдек муҳим тарихий жараён бошлангандан бери ўнлаб ҳаётий қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши нагжаиисда халқ хўжалигида катта ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлмоқда.

Жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги Қонун ижросини таъминлаш республикасини учун иқтисодий ислохотларнинг зарур талабидир. Ушбу қонун жаҳон иқтисодий амалиётига мос келади ва хар томонлама муқаммал бўлиб, бухгалтерия ҳисобини қайта ташкил этишни тақозо этади.

Бу қонун республикасинида бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишнинг асосий принципларини амалга ошириш учун мустаҳкам заминдир. Қонунда хўжалик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби

Қонун ижроси қандай? ПУХТА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Олий Мажлиснинг XI сессиясида Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ижросини назорат қилиш борасида қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳақида ҳам мулоҳазалар эълон қилди. Бугунги кунда Олий Мажлис ва унинг қўмиталари қонун ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу қонунларнинг қулини ва самарасини оширишга ёрдам беради, яъни давлат ҳисоб-китобида хабар қилинаётган, Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси томонидан ишқой ишлар қўламини янада кенгайтириш, мавжуд қамчиликларни бартараф этишга қўламлигини учун «Ўзметасабзавотузмусаноат-ҳолдинг» компанияси, «Ўздоммаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси ва пулик хизмат билан шугулланувчи юридик шахслар ташкилотларида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасини Қонунини ҳаётга татбиқ этилиши ўрганилади. Мухбиримиз қўмита раиси Абдурафик АХАДОВдан ана шу ҳақда гапириб беришни сўради.

юритиш ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, ҳисоб юритиш, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиблари мустаҳкамлаб қўйилган.

Республикасинида қўлаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ва филиаллар таш-

кил этилмоқда. Уларнинг ривожланиши учун имкониятлар яратишда ва инвестицияларга кенг йўл очилишида ушбу қонун қўл келмоқда. Айниқса, ҳусусан ва майда тодбиркорлик субъектлари тобора ривож топмоқда, ўзига берилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланаяпти.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида «Ўзметасабзавотузмусаноат-ҳолдинг» компанияси ва «Ўздоммаҳсулот» давлат акционерлик корпорациясининг алоҳида ўрни бор.

«Ўзметасабзавотузмусаноат-ҳолдинг» компанияси ва «Ўздоммаҳсулот» Давлат ак-

Кўк чой бисёр бўлади

Ҳайлиқ тадбиркор Умид Мирзахмедов «Ал-жаҳон» ўзбек-хитой ҳусусий чой қадоклаш корхонасини ништа туширишдан сўн Назранган бозорларида 125, 250 граммлик кўк чой кўпайиб қолди. Айни пайтда корхонада 43 ишчи меҳнат қилапти. Цех бошлиғи Солиқжон Собироннинг таъкидлашича қараганда, улар йил охиригача савдо тармоқларида 1.800 тонна сара чой етказиб беришмоқда.

Ўз мухбиримиз.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Биринчи чирқир Ўзбекистон Республикасини Олий Мажлиснинг XII сессияси олинишига саноқчи қўлар қолди. Маълумки, сессия муҳокамаида киритиш мўлжалланган қонунлар лойиҳаларини халқимиз катта қўлоқини на маънафатлари билан ўрганишда ҳамда уларни сайлаб дегуявлар орқали фикр-мулоҳазалар билдиришмоқдалар.

Кеча Зомин туманида бўлиб ўтган учрашувда шу оқушдан сўзлагани Олий Мажлис депутаты Алим Сулонов сайловчиларга нагжаиисда сессия муҳокамаида киритилаётган масалалар қандан ахборот бериши. Ушбу сессияда йитирмага ақин масалалар муҳокама этилиши кутулимоқда. Уларнинг барчаси ислохотларни қучурлаштиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий негизларни қучурлаштиришга ёрдам беради.

Учрашувада янги қонун лойиҳаларининг мўҳити, аргументи зарурати атрафлиқ таҳлил қилинди. Сессияда «Давлат ер кадастри тўғрисида»-ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Қишлоқ ақли, айниқса, қишлоқ хўжалиги хўжалиги бу Қонун лойиҳасининг қабул қилинишига бефарқ қарай олмайдилар. Чунки фаолиятли ер, экин-тикин билан бовиқ қишлоқлар учун бу қонун лойиҳаси ҳаётда кўзда суи ва ҳилодек зарур бўлиб туради.

Ўзбекистон Республикасини Уй-йўл кодексини, «Реклама тўғрисида»-ги бошқа қонун лойиҳалари ҳам сайловчиларга катта қўлоқини ўтқотиш қабул қилинажак ҳуқуқларнинг ҳаётий зарурлигини қучурмоқда.

Норбобо ШАКАРОВ.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидланган эди **ДАВЛАТ ТАРТИБИ ТўЛОВ ТАРТИБИДАН БОШЛАНАДИ** 2-бет

Акс-савдо СПОРТ — МИНАЛАТ ИРОДАСИ, КУЛАРАТ ВА ЗАКОВАТИЛАР **ТЕЗКОР ШАРҲ АҚШ: Террорчиларга берилган зарба** 3-бет

1998 йил — Ойла йили **ТАБАРРУК** **ЕШ** 4-бет

Қибрай қўрғончаси. Файзулла Хўжаев кўчасидаги иккинчи уйни қилди- рамиз. 8-, 6-, 4-, ... шу бўлса керак, дея ланг очик дар- вазо қаршисида тўхтабмиз.

баракка бор уларнинг. Худо- га шукр қиламан, элимиз тинч, юртимиз обод.

неъматлар асосан хона- донда етиштирилади. Хов- лидаги ишқомда гарқ- билан узумининг ўзиёқ Фулом ота фарзандларининг бор- бонлигига ҳам чапдаст эканлигидан гувоҳлик бе- рари.

Фулом ота ибодатни ту- гапти дуога қўл очдилар, Яратгандан ер юзига тинч- лик, офият, Ватанимиз равнақини зиёда бўлиши- ни сўрайдилар. Одамларга эзгулик, деҳқонларнинг қасбу қорига баракка, оила- ларга иноқлик, меҳр- оқибат тилайдилар.

ТАБАРРУК ЁШ

Мамлакатимизнинг файзи, ўзбек хонадонининг ибратли турмуш тарзи шундай кишилар билан гўзалдир

ларда, одамлар орасида аҳиллик, иноқлик, меҳр-му- ҳаббат сифатлари- ни камол топиши- даги саъй-ҳаракат- лари тўғрисида ҳам халқимиз истиқлол- нинг еттинчи йил- ни ҳар бир соҳа- да юксак муваффа- қиятлар билан ку- тиш олаётир.

озод Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбини танлади. У



Қибрай қўрғончасида оилалар кўрки бўлган қариялар талайгина. Ориф ота 97 ёшда, Кенжа ва Эр- мат ота 85 ёшда. Фулом Ка- римов эса 80 ёшга тўйдилар.

ҳозир Тошкент Олий умум- кўшин қўмондонлик билим юртида тахсил олаётир.

Фулом ота хонадон ҳар шанба-яшанба кунлари янада серфайз бўлиб кета- ди. 17 нафар набира, икки нафар эваз шавқин-сурони, завқ-шавқига Фулом ота- нинг себинчилари уйғунла- нади.

Махалладошлари Фулом ота оиласини нафақат иноқ- лик, балки ҳалол меҳнат қилиб Ватанга фидойи бўлиш сифатларини мужас- сам этган хонадон сифати- да ҳам танийдилар.

Бугун ҳалол меҳнат қиламан деган одамга дав- латимиз ҳамма шароитни яратиб бераётти, — дейди Фулом ота.

Бугун ҳалол меҳнат қиламан деган одамга дав- латимиз ҳамма шароитни яратиб бераётти, — дейди Фулом ота.

Фулом Каримов хонадо- нидан қайтар эканмиз, Ва- танимиз шаъну шукуҳи ана шундай ибратли оилалар билан, пурҳикмат қария- лар билан барқамол экан- лардан кўнглимиз таскин топди.

Шодиёр Мутаҳҳархон ўғли, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: Фулом Каримов набираси Азимжон билан.

АҲОЛИ ОРАСИДА



Халқимизда «Саломатлик — туман бойлик» деган нақл бор. Чиндан ҳам соғ-саломат юрсанг ҳамма нарса бадастир бўлади.

СУРАТЛАРДА: шифокорлар аҳоли орасида. В. ПОРТНОВ олган суратлар.

ЯНГИЙЎЛДА МИЛЛИЙ БАНКНИНГ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Янгийўл шаҳри Тошкент вилоятининг йirik саноат маркази ҳисобланади. «Янгийўлғамой», «Лаззат», «Металлопластмас»...

Миллий Банк орқали АҚШ «Эксімбанки» ресурслари ҳисобидан 47 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит олган «Боллар таомлари холди»...

Бундан ташқари, Янгийўл болалар пойабал фабрикаси негизда таъкил этилган «Янги-Вет»...

Миллий банк «Ўзбекмебель» акциядорлик жамиятига Янгийўлда целлюлоза-қоғоз фабрикаси қуриш учун ўз маблағлари ҳисобидан 590 миллион сўм берди.

Advertisement for UZEXPOCENTRE MINITEK-98 exhibition. Includes text about the exhibition, dates (August 24-27), and contact information.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1998 йил июнь ойи бўйича маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

- 1. Кишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кишлоқ ҳўжалик маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга етказиб бериладиган ёнилги-мойлаш материалларига ва минерал ўғитларига солинадиган қўшимча қиймат солиғи бўйича ноль даражада ставкани қўллаш тартиби. ЎЗР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган. 1998 йил 1 июнда 441-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан уюшма, ассоциация, акциядорлик жамияти, концерн, тармоқлар, ҳўдудий ва бошқа шаклдаги бирлашмалари тузиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги илтимосларни кўриб чиқиш тартиби. ЎЗР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган. 1998 йил 3 июнда 442-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

- 1. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг халқро ва ички рейслари орқали ҳамда чет эллик компанияларининг рейслари орқали ташилларни сотиш тартиби. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси томонидан тақдим этилган.

IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низоми. ЎЗР Давлат мулк қўмитаси ҳўзурдаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.

- 9. Даврий наشرларни тарқатиш, экспедиция қилиш, жўнатиш ва етказиб бериш тўғрисидаги низоми. Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тақдим этилган.

- 1. Табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматларининг тартибга солинадиган нархларини (тарифларини) келишиш тартиби тўғрисидаги усулвий қўрсатма. ЎЗР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

- 1. Табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматларининг тартибга солинадиган нархларини (тарифларини) келишиш тартиби тўғрисидаги усулвий қўрсатма. ЎЗР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳўжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28. 902

Footer section containing contact information for the newspaper, including phone numbers, addresses, and subscription details.